

# Янги воқеълик: йиртқич нашрларнинг илмий салоҳиятга таҳдиди

И. ҚОРАБОЕВ, М. НАРИКБАЕВ НОМИДАГИ КАЗГЮУ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

Н.ЮСУПОВ, SOLBRIDGE INTERNATIONAL SCHOOL OF BUSINESS

*Тақдимот режаси*

- Кириш (Тарихий экскурс)
- Йиртқич журналлар тушунчаси ва белгилари
- Ўзбекистонликларнинг йиртқич журналлардаги мақолалари
- Илмий салоҳиятга таҳдид
- Тавсиялар

...

# *Кириш сифатида: Тарихий экскурсия*

- 20-чи асрнинг сўнгги чораги: илмий фаолиятнинг маҳсулот бирлиги ўрнини илмий мақола эгаллади (китоб ёки дарслик эмас, конференцияда доклад эмас, ва х.к.).
- Университет ва илмий-тадқиқот институтларида академик рағбатлантириш тизими чоп этилган мақолалар атрофида қурилган.
- Тўсатдан жуда кўп ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатларнинг олий таълим ва илмий фаолият тизимини ўзида тадбиқ қилишни бошлаган.

ЯЪНИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР ДУНЁСИДА МАҚОЛА ЧИКАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ УЧУН ТАЛАБ КЕСКИН ОШИБ КЕТГАН.

# *Кириш сифатида: Тарихий экскурсия*

- Анъанавий илмий нашриёт бизнес модели ўқувчи тўлайдиган омилга асосланган:
  - Маколани ўқиш учун обуна тўлови тўлаш эвазига журналлар тўпламига обуналик олинади.
- Аммо интернет ривожланиши билан бирга, очиқ кириш (Open Access) модели ривож топди
  - яьни муаллифнинг тўлови эвазига мақола матни ҳаммага очиқ бўлади.

ИНТЕРНЕТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ БИЛИМ АЛМАШИНУВИ ТЕЗЛИГИНИ КЕСКИН ОШИРИБ ЮБОРАДИ.

# *Кириш сифатида: Тарихий экскурсия*

- 2012 йилда Жефри Билл (UC-Denver), "йиртқич" журналлар рўйхатини эълон килади, ва “Билл Рўйхати” дунёга келади



БИЛЛНИНГ ҚИЛГАН ИШИНИ ЖУДА КЎП ОЛИМЛАР ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАЙДИ, ВА “БИЛЛ РЎЙХАТИ” ИНТЕРНЕТНИНГ КЎПЛАБ САҲИФАЛАРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАДИ.

# *Кириш сифатида: Тарихий экскурсия*

- Бироқ бу ташаббуси Биллга кўп муаммолар яратади - нашриётлар томонидан йиртқич хулк борлигини хукукий исботи йўқлиги сабабли унга қонун олдида жавоб бериши билан таҳдид килишади.



БИРОЗ ВАКТ ЎТИБ БИЛЛ РЎЙХАТИНИ ТЎХТАТИШГА МАЖБУР БЎЛАДИ, АММО ИЛМИЙ ҲАМЖАМИЯТ БУ ТАШАББУСНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ.

*Кириш сифатида: Тарихий экскурсия*

- 2014-2015 йилларда илмий журналлар муҳаррирлари "йиртқич журналлар" доираси кенгаяётгани ҳақида огоҳлантириш билан чиқади
- Экспериментал тергов-тадқиқотларга туртки берилади. Натижада катта миқдорда "йиртқич" фаолият мавжудлиги хакида далиллар тўпланади.

ЭНГ МАШХУРИ “GET ME OFF YOUR F###ING MAILING LIST" НОМЛИ МАҚОЛА БУЛСА КЕРАК.

# *Кириш сифатида: Тарихий экскурсия*

- Сўнгги 5-6 йилда статистик маълумотларга асосланган эмпирик изланишлар ҳам чоп этилди.
- Илмий ҳамжамиятда "йиртқич журналлар" муаммоси жуда долзарб мавзуга айланган.
- Йирик нашрларнинг позицияси алоҳида бир ҳикоя.

ЭЛСЕВИР НАШРИЁТИГА ПАСТРОҚДА ХАЛИ ҚАЙТАМИЗ.

# *Йирткич журналлар тушунчаси*

‘Бу йиртқич нашрлар ғирромлик билан шуғулланишади ва шаффофликдан маҳрум бўлишади. Уларнинг асл мақсади тадқиқотчиларни, айниқса илмий алоқаларда тажрибасиз изланувчиларни, алдашдан иборат бўлади. Улар машхур журналларга ўхшаган wебсайтлар очишади ва бу wебсайтларда паст сифатли ва шубҳали журналларни чоп қилиб келишади’ – (J. Beall, 2012)

BEALL, J. (2012). PREDATORY PUBLISHERS ARE CORRUPTING OPEN ACCESS. *NATURE NEWS*, *489*(7415), 179.

# *Йирткич журналлар тушунчаси*

Йиртқич журналлар ва нашрлар илмий тадқиқот сифатидан кўра ўзининг шахсий фойдасини устун қўядиган муассалар бўлиб уларнинг асосий белгилари инсонларга ёлғон ёки адаштирувчи маълумот бериш, илм дунёсида тан олинган асосий муҳаррирлик ва нашр қоидаларидан ташқарига чиқиб кетиш, шаффофликнинг етишмаслиги ва агрессив маркетинг усулларига таяниш ҳисобланади.’ (A. Grudniewicz et.al. 2019)

GRUDNIEWICZ, A. ET.AL. (2019). PREDATORY JOURNALS: NO DEFINITION, NO DEFENCE. NATURE COMMENT. VOL. 576

# *Йирткич журналлар тушунчаси*

Биз йиртқич журналлар ифодасини тўлов эвазига очиқ кириш (paid open access) тамойилини суистеъмол қилиш орқали муаллифлардан тўлов оладиган ва жиддий равишда  муҳаррирлик ва нашр қоидаларини бузиб келадиган журналларни назарда тутамиз.’ – (Macháček & Srholec, 2021)

MACHÁČEK, V., & SRHOLEC, M. (2021). PREDATORY PUBLISHING IN SCOPUS: EVIDENCE ON CROSS-COUNTRY DIFFERENCES. *SCIENTOMETRICS*, *126*(3), 1897-1921.

# *Йиртқич журналларнинг белгилари*

1. Қабул қилинадиган мавзу ва соҳалар жуда кўп ва бир-бирига алоқадор бўлмаган бўлади (масалан тиббиёт, археология, ва хукукшунослик бўйича мақолалар битта журналнинг ўзида чиқиши мумкин).

2. Веб саҳифасида, матнларда грамматик хатолар мавжуд бўлади. Чоп қилинган журнал номерининг, ёки саҳифалари дизайнида хатолар ва сифатсиз бажарилган дизайн элементлари кўзга ташланади.

ОГОҲ БЎЛИНГ! AND MASTER YOUR ENGLISH PROFICIENCY!

# *Йиртқич журналларнинг белгилари*

3. Жуда тез ва жуда сифатли жараён ваъда килинади. Муаллифларга ўта қаттиқ маркетинг босим қилинади.

4. Мақола топшириш билан боглиқ харажатларни ойдин қилмасдан яширишади. Айримлари мақола қабул қилинсагина пул тўланишини айтиб ўтади.

5. Шубҳали индикаторларни мижозларга "сотади".

ЁДИНГИЗДА БУЛСИН - ЎЗИНИ ҲУРМАТ ҚИЛАДИГАН ЖУРНАЛ ЧЕГИРМА ДЕБ "АКЦИЯ" ҚИЛМАЙДИ!

# Йирткич журналларнинг белгилари

**Table** List of Misleading Metrics*

| No. | Bogus Metric Name | Web Site URL |
|---|---|---|
| 1 | Advanced Science Index | http://journal-index.org |
| 2 | African Quality Centre for Journals (AQCJ) | http://www.aqcj.org |
| 3 | Cite Factor | http://www.citefactor.org |
| 4 | Council for Innovative Research | http://cirworld.org |
| 5 | Directory of Indexing and IF | http://www.diif.org |
| 6 | Einstein Inst. for Scientific Information | http://journalimpactfactor.co.in |
| 7 | General Impact Factor (GIF) | http://generalimpactfactor.com |
| 8 | The Global Impact & Quality Factor (GIF) | http://globalimpactfactor.com |
| 9 | Impact Factor (JCC) | http://www.journal-metrics.com |
| 10 | Impact Factor Journals | http://www.impactfactorjournals.com |
| 11 | Institute for Science Information | http://isi-thomsonreuters.com |
| 12 | International Impact Factor Services (IIFS) | http://impactfactorservice.com |
| 13 | International Scientific Indexing (ISI) | http://isindexing.com |
| 14 | International Scientific Institute (ISI) | http://www.scijournal.org |
| 15 | ISRA: Journal Impact Factor (JIF) | http://www.israjif.org |
| 16 | Journal Impact Factor (JIF) | http://jifactor.com |
| 17 | Journal Influence Factor | http://www.journalsconsortium.org |
| 18 | The Journals Impact Factor (JIF) | http://jifactor.org |
| 19 | Open Academic Journals Index | http://oaji.net |
| 20 | Scientific Indexing Services | http://sindexs.org |
| 21 | Scientific Journal Impact Factor (SJIF) | http://www.sjifactor.com<br>http://www.sjifactor.inno-space.net |
| 22 | Universal Impact Factor (UIF) | http://www.uifactor.org |

*Extracted from reference[3,4] with some additions.

M.DADKHAH, A.G.BORCHARDT, B.T.MALISZEWSKI (2017). "PHD FRAUD IN ACADEMIC PUBLISHING: RESEARCHERS UNDER CYBER-ATTACKS", THE AMERICAN JOURNAL OF MEDICINE, VOL 130, NO 1.

# Ўзбекистонликлар нега "йиртқич" журналларга ўлжа бўлаяпти?



# *Ўбекистонликлар нега "йиртқич" журналларга ўлжа бўлаяпти?*

- Кадрларни бошқариш тизими, рағбатлантириш тизими шунга ундайди: премия берилади, шахсий рейтинг учун фойда, ҳимояга чикиш учун ёрдам, ва х.к.

- Ёшларда илмий тадқиқотчиларнинг профессионал маданияти шаклланмаган, чунки ўзини илму-фан-ижодга бағишлай олмайди, (академик жараёнга алокасиз) бошқа иш ва вазифаларнинг орасида илмий иш билан шуғулланишга мажбур.

IMPACT FACTOR, H-INDEX, … КАБИ КЎРСАТКИЧЛАР ВИЖДОН ТИЗИМИГА АСОСЛАНГАН. ТАДҚИҚОТЛАР ВИЖДОНАН БАЖАРИЛГАНДАГИНА У КЎРСАТКИЧЛАР МАЬНОГА ЭГА БУЛАДИ.

# *Ўзбекистонликлар нега "йиртқич" журналларга ўлжа бўлаяпти?*

| | Country | Articles and reviews in discontinued journals | Total articles and reviews | % of articles and reviews in discontinued journals |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Uzbekistan | 1740 | 2916 | 59.7% |
| 2 | Iraq | 3643 | 14687 | 24.8% |
| 3 | Indonesia | 5995 | 25601 | 23.4% |
| 4 | Philippines | 550 | 4497 | 12.2% |
| **5** | **Kazakhstan** | **444** | **4070** | **10.9%** |
| 6 | Malaysia | 2833 | 29527 | 9.6% |
| 7 | India | 13383 | 155294 | 8.6% |
| 8 | Jordan | 389 | 6096 | 6.4% |
| 9 | Bahrain | 57 | 896 | 6.4% |
| 10 | Ukraine | 700 | 12521 | 5.6% |
| 11 | Kyrgyzstan | 20 | 413 | 4.8% |
| 12 | Afghanistan | 11 | 268 | 4.1% |
| 13 | Viet Nam | 576 | 15451 | 3.7% |
| 14 | Romania | 443 | 11984 | 3.7% |
| 15 | Morocco | 260 | 7196 | 3.6% |
| 16 | Oman | 81 | 2278 | 3.6% |
| 17 | Papua New Guinea | 6 | 217 | 2.8% |
| 18 | Peru | 111 | 4288 | 2.6% |
| 19 | Palestine | 28 | 1087 | 2.6% |
| 20 | Tajikistan | 6 | 236 | 2.5% |

*© Kenessov, 2021*

# *Ўзбекистонлик муаллифлар орасида Скопусдаги энг оммабоп 10-та журнал*

| | Journal Name | Papers |
|---|---|---|
| 1 | Chemistry Of Natural Compounds | 1310 |
| 2 | Applied Solar Energy English Translation Of Geliotekhnika | 1046 |
| 3 | Journal Of Critical Reviews | 458 |
| 4 | Annals Of The Romanian Society For Cell Biology | 452 |
| 5 | Iop Conference Series Materials Science And Engineering | 434 |
| 6 | E3s Web Of Conferences | 325 |
| 7 | Journal Of Advanced Research In Dynamical And Control Systems | 250 |
| 8 | Journal Of Physics Conference Series | 213 |
| 9 | International Journal Of Scientific And Technology Research | 188 |
| 10 | Iop Conference Series Earth And Environmental Science | 185 |

ШУЛАРНИНГ НЕЧТАСИ ШУБҲАЛИ ИШЛАРИ УЧУН СКОПУСДАН ЧИҚАРИЛИБ ТАШЛАНГАН ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ?

# *Узбекистонлик муаллифлар учун Скопусдаги энг оммабоп 10та журнал*

| | Journal Name | Papers | |
|---|---|---|---|
| 1 | Chemistry Of Natural Compounds | 1310 | |
| 2 | Applied Solar Energy English Translation Of Geliotekhnika | 1046 | |
| ~~3~~ | ~~Journal Of Critical Reviews~~ | ~~458~~ | |
| 4 | Annals Of The Romanian Society For Cell Biology | 452 | <-soon |
| ~~5~~ | ~~Iop Conference Series Materials Science And Engineering~~ | ~~434~~ | |
| 6 | E3s Web Of Conferences | 325 | <-soon |
| ~~7~~ | ~~Journal Of Advanced Research In Dynamical And Control Systems~~ | ~~250~~ | |
| 8 | Journal Of Physics Conference Series | 213 | <-soon |
| ~~9~~ | ~~International Journal Of Scientific And Technology Research~~ | ~~188~~ | |
| 10 | Iop Conference Series Earth And Environmental Science | 185 | <-soon |

SOON = БИЗНИНГ БАШОРАТИМИЗ БЎЙИЧА, КЎПГА БОРМАЙ СКОПУСДАН ЧИҚИБ КЕТАДИ (ШАХСИЙ ФИКРИМИЗ).

# *Ўзбекистонлик муаллифлар орасида Скопусдаги энг оммабоп 10-та журнал*

- Journal of Critical Reviews




| Country/Territory | Documents |
|---|---|
| India | 1305 |
| Uzbekistan | 459 |
| Malaysia | 426 |
| Indonesia | 323 |
| Saudi Arabia | 131 |
| Russian Federation | 107 |
| Philippines | 76 |
| Iran | 72 |

- Annals of The Romanian Society for Cell Biology




| Country/Territory | Documents |
|---|---|
| India | 1468 |
| Iraq | 532 |
| Romania | 530 |
| Uzbekistan | 519 |
| Indonesia | 157 |
| South Korea | 122 |
| Malaysia | 89 |
| Egypt | 56 |
| Russian Federation | 50 |

# *Эьтиборга сазовор яна битта журнал: "European Journal of Molecular & Clinical Medicine" (EJMCM)*

- Журнал сайтида “Uzbekistan” сўзини қидирувга берсангиз 108 мақола чикади. Мавзулар ичида қуйидагилар бор:

| | |
|---|---|
| • **Олий таълим соҳасида ислоҳотлар.**<br>• **Поэзия ва ҳикоялар.**<br>• **Таълим жараёнида блоглар ўрни.**<br>• **Кичик ва ўрта бизнес муаммолари.**<br>• **Текстиль саноати.** | • **Самбочиларнинг тренировкаси.**<br>• **Тижорий банклар.**<br>• **Кўприк ва йўлларнинг сейсмик хусусиятлари.**<br>• **Суд тизими.** |

МОЛЕКУЛЯР ВА КЛИНИК ТИББИЁТ СОХАСИДАГИ АУДИТОРИЯ УЧУН БУ МАВЗУЛАР ҚАНЧАЛИК АКТУАЛ ВА ҚИЗИҚ БЎЛИШИ МУМКИН?

# *Ўзбекистонликларннинг Скопусдаги фаолияти.*




- 2020: жами 3084 мақола чоп этилган, шу жумладан 1560-таси Скопусдан чиқарилиб ташланган журналларда чиққан.
- Ҳисоб-китобни ўзингиз қилиб кўринг: агар бир мақола чоп қилишга ўртача $100-200 сарфланса, бир йил ичида фақат Скопус платформасини оладиган бўлсак $156-312 минг бекорга куйиб кетаяпти.

СКОПУСДАГИ (УЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЧИКАРГАН) МАҚОЛАЛАРНИНГ ЯРМИДАН КЎПИНИ ИЛМИЙ ҒИРРОМЛИК ТАШКИЛ ЭТАЯПТИ!

# *Скопус ва Элсевир масаласига келсак*

- Скопус нисбатан якиндан беригина "йиртқич" журналлар муаммосини тан олиб чора кўришга бошлаган (йиртқич нашрларни ўз рўйхатидан чиқариб келмоқда).

- Бироқ муаммо кўпдан бери мавжуд:

  *…the publishing giant Elsevier admitted to publishing six fake medical journals between 2000 and 2005…*

МУАММО СКОПУС БИЛАН ЧЕКЛАНМАГАН, БАЛКИ УНДАН АНЧА КЕНГРОК.

# Йирик нашриёт компанияларни ўйини



# Йирик нашриёт компанияларни ўйини



# *Илмий салоҳиятга таҳдид*

## Маҳсулот-марказли ёндошув

- Бутун эътибор тайёр маҳсулотга қаратилган
- Академик мақолани имитация қилиш
- Йиртқич журнал ва/ёки ўртакашлар тўлов пешида
- Назорат қилувчиIлар Скопусда индексланганига қарашади холос

КЎР КЎРОНА ЁНДОШУВ ИЛМИЙ ЖАРАЁННИ ЎЛДИРМОҚДА

# *Илмий салоҳиятга таҳдид*

**Жараёнга эътибор жуда заиф ёки умуман йўқ бўлиб кетган:**

- Умумжаҳон қоида ва тамойилларига эътибор берилмайди
- Чоп қилиш жараёнининг жуда муҳим ва ажралмас босқичларини ташлаб ўтиб кетишади
- Сифат назорати умуман йўқ
- Илмий мунозара ва баҳсларда қатнашмайди
- Назорат қилувчилар фақатгина метрик жиҳатларини эътиборга олишади

КЎР КЎРОНА ЁНДОШУВ ИЛМИЙ ЖАРАЁННИ ЎЛДИРМОҚДА

## *Ғирромликнинг чеки борми?*

- Йиртқич нашрлар
- Йиртқич журналлар
- Йиртқич мақолалар
- Йиртқич импакт-факторлар ва кўрсаткичлар
- Йиртқич конференциялар
- Йиртқич фан номзоди ва докторлари?!!!

ЙИРТҚИЧ НАШРЛАР МУАММОСИ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДА ИЛМ-ФАННИ ЙЎҚ ҚИЛИБ ТАШЛАЙДИ, РИВОЖЛАНИШГА БОЛТА УРАДИ

# *Илмий салоҳиятга таҳдид*

- "Бир неча илмий нашрга эга булган PhD номзодининг диссертасияни тақризчи қайтариб юборипти, чунки мақолаларнинг барчаси йиртқич журналларда нашр қилинган. Бу жуда кўп савол туғдиради. Агар ушбу тақризчи ўз ишини берилиб тиришқоқликк ва синчковлик билан бажармай муаммоларни аниқлаб олмаганда эди, тадқиқотчи учун энг юксак даража бў лган PhD даражасига лойиқ бўлмаган яна битта PhD дунёга келарди. Бу қанчалик кўп содир бўлишини, қанча такризчилар ишини эътиборсиз бажаришини ва шунақа ишларга кўзларини юмишини хатто тасаввур ҳам қила олмайсиз." – Darbyshire et.al. (2020)

DARBYSHIRE ET AL. (2020). "HITTING ROCK BOTTOM: THE DESCENT FROM PREDATORY JOURNALS AND CONFERENCES TO THE PREDATORY PHD", JOURNAL OF CLINICAL NURSING, 29(23-24): 4425-4428





**Fake Science: Face behind biggest of all — ‘40 countries, million articles’**

Fake Science part-II: Srinubabu Gedela is the CEO of OMICS, labelled as one of the largest “predatory publishers” of research articles on topics in medicine, pharmaceuticals, engineering, technology and management for charges ranging from $149 to $1,819.




- ***1,000,000га яқин мақола, 40та давлатда***
  - *2000-дан ошиқ конференция, 500-та симпозиум ва 500-та воркшоп*
- *“Ҳиндистондан даромадимиз нўлга яқин. Бизнесимизнинг 40% Европа, 7-8 фоизи Америка, 9 фоизи Хитойга тўғри келади. 3000-дан ошиқ конференциядан ҳеч бири Ҳиндистонда бўлмайди… Бутун хизматларимиз экспортга мўлжалланган ва Ҳиндистонда ҳеч қандай бизнесимиз йўқ”*
  - *– Сринубабу Гедела, Индиан экспресс, 2018.*

# ЎЗИГА 280 МИНГ ДОЛЛАР ОЙЛИК ТЎЛАЙДИГАН ТАДБИРКОРНИНГ ҲИКОЯСИ: ЙИРТҚИЧ НАШРЛАР ИНДУСТРИЯСИ

- “Champions of Change” Award






- “Pride of Nation” Award








Home / News & Opinion

## OMICS International Fined Over $50 Million for "Deceptive Practices"

The publisher and conference organizer is ordered to pay the US government for what some report to be predatory behavior.

**Chia-Yi Hou**
*Apr 3, 2019*

132

US District of Nevada Judge Gloria M. Navarro has ordered OMICS International to pay the US government fines to the amount of over $50 million, according to a court report released March 29.

ABOVE: © ISTOCK.COM
VLADIMIR CETINSKI

OMICS is a publisher and conference organizer, and has been reported to engage in predatory publishing. According to the OMICS website, they publish over 700 journals and organize over 3,000 conferences globally. Topics covered include medicine, pharma, engineering, science, technology, and business.

OMICS also claims to have over 50,000 leading experts as editors for their journals. Scientists who were listed have reported they never received manuscripts to review or were not aware of their names being on the editors list, *Ars Technica* reports.



# ЎЗИГА 280 МИНГ ДОЛЛАР ОЙЛИК ТЎЛАЙДИГАН ТАДБИРКОРНИНГ ҲИКОЯСИ: ЙИРТҚИЧ НАШРЛАР ИНДУСТРИЯСИ

# Fake Science: 1 journal to 1,500 in 10 years, Hyderabad is hub of pay & publish

From the first journal brought out by OMICS ten years ago to an estimated 1,500 active publications today, Hyderabad has emerged as the Indian hub of predatory journals that publish research articles on a range of subjects from medicine to management for a fee, an investigation by The Indian Express has revealed.

*Буларнинг умумий тарафи Ҳайдарободдан туриб йиртқич мақола чоп этиш бизнеси билан дунё микёсида шуғулланиш. Мақола чоп этиш ёки конференцияларда қатнашиш учун муаллифлардан юзлаб доллардан минглаб долларгача тўлов олиб келишади.*

- *П. Ашвин. Кумар (Open Science Publications & Avens Publishing): Ҳиндистондаги кичик офисидан туриб 46-та журнал нашр қилади, минглаб мақолаларининг 70 фоиздан ошиғи хорижий муаллифларга тўғри келади*
- *Bioaccent: 47-та журнал нашр қилади, Америка адресини кўрсатганига қарамай бу журналлар webcайти Ҳайдарободлик Рави Шанкарга қайд қилинган*
- *CRESCO Publications: 116-та журнал чоп этади, ҳиндистонликка тегишли Америка адресига эга*
- *Openventio: 40-та журнал чоп этади*
- *Annex Publishers: 83-та журнал*

## ХАЙДАРОБОД ЙИРТҚИЧ НАШРЛАРНИНГ ХАБИ БЎЛИБ КОЛГАН

# Йиртқичларнинг қилмишлари












# *Тавсиялар*

- Диссертациялар (автореферат эмас!), маколалар ва бошка илмий тадкикот махсулотлари ҳамма кўра олиши учун университет сайтларига юклансин.
- Чоп этилган маколалар сифати учун муаллиф жавоб берсин. Шу жумладан, журналга топширганда “Statement of Ethics” имзоласин.

"ЭНДИ МИҚДОРДАН СИФАТГА ЎТАМИЗ!" - Ш. МИРЗИЁЕВ, 16 ИЮН 2021 Й.

# *Тавсиялар*

- Q1, Q2 даражали журналда маколасини чикарган муаллифлар хар хар кандай малака оширишдан маълум бир муддатга озод этилсин.

- Барча норматив хужжатларда "импакт фактор" айтиб ўтилган жойда, айнан Clarivate Analytics хисоблайдиган импакт фактор хакида гап кетаётгани аниқ ёзилсин.

"ЭНДИ МИҚДОРДАН СИФАТГА ЎТАМИЗ!" - Ш. МИРЗИЁЕВ, 16 ИЮН 2021 Й.

# *Тавсиялар*

- Идоралараро кенгаш ёки комиссия тузилсин, хар 6 ойда йиғилиб мавжуд муаммоларни кўриб чиқиб тавсиялар ишлаб чиқиш максадида.
  - Олий таълим вазирлиги
  - Инновацион ривожланиш вазирлики
  - Фанлар академияси
  - Олий аттестация комиссияси
  - etc.

"ЭНДИ МИҚДОРДАН СИФАТГА ЎТАМИЗ!" - Ш. МИРЗИЁЕВ, 16 ИЮН 2021 Й.

# *Тавсиялар*

- Ҳар 3-4 йилда бир марта ҳар битта ОТМ илмий фаолият натижалари сифат жихатидан сархисоб килинсин.
  - Наъмуна: REF (UK)
- Илмий тадкикотлар сифати учун масьулият шахсан университетларнинг ректорлари ва илмий ишлар бўйича проректорларига юклансин (KPI-кўрсаткичларига критилсин).

"ЭНДИ МИҚДОРДАН СИФАТГА ЎТАМИЗ!" - Ш. МИРЗИЁЕВ, 16 ИЮН 2021 Й.

# *Тавсиялар*

- Барча норматив хужжатларда "Scopus, Web of Science ёки бошқа умумэътироф этилган индексацияланган маълумотлар базалари.." каби ибораларда тагига чизилган қисмини олиб ташлаш керак.

- Q4 даражали ва/ёки SJR<0.3 булган журналларни барча рағбатлантириш схемаларидан чикариб ташлаш керак.

"ЭНДИ МИҚДОРДАН СИФАТГА ЎТАМИЗ!" - Ш. МИРЗИЁЕВ, 16 ИЮН 2021 Й.

# *Тавсиялар*

- Аспирант ва докторантларга публикация талабларини оптималлаштириш керак.

"ЭНДИ МИҚДОРДАН СИФАТГА ЎТАМИЗ!" - Ш. МИРЗИЁЕВ, 16 ИЮН 2021 Й.




- Questions?
- Comments?

…